Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самародорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўгрисида" ги фармонининг



мазмун-моҳияти ёшларга тушунтириб берилди.

Вазирликни Жиззах вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Акмал Суворбоев замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг имкониятлари, Ўзбекистон Республикасининг "Келажак бунёдкор" медали тўгрисида, "СО-WORKING" (хамкорликдаги иш) лойиҳасини вилоятда жорий этиш, турли соҳа иктидорли ёшларини қамраб олиш орқали уларни тадбиркорликка жалб этиш, дастурий маҳсулотлар

ишилаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича ёртимизда яратиладиган шароитлар, шунингдек, "Mirzo Ulug'bek Innovation Center" инновация маркази филиятига атрофлича тўхтади.

Тадбирда вилоятдаги почта алоқаси, телекоммуникация тизимидағи ташкилот ва корхоналарда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти етакчиларини сайлаш таклифи қўллаб-қувватланди. Овоз бериш ўйли билан номзодлари кўрсатилган уч нафар ёшлардан етакчилар сайланди.

Ёшларимизни замонавий дастурлаш лойиҳаларига ўргатиш, ёш тадбиркор лойиҳаларини изчил амалга ошириш борасида ва "Mirzo Ulug'bek Innovation Center" инновация маркази томонидан ёшларга яратиладиган қулай ва ишончили лойиҳалар тўгрисида ўзаро фикр алмашилди.

Дунё мисъесида рақобат, қарма-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олаётгани, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш тўгрисида ҳам семинар-тренинг иштирокчиларига маълумотлар берилди.

Мулоқотда "ЎзИ-Жиззах" филиали директори Б.Эргашев, "Ўзбектелеком" АК Жиззах филиали директори М.Бобомуратов, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Жиззах филиали ходимлар бўлимни бошлиғи Ш.Равшанова ҳамда филиаллар бошланғич касаба уюшмалари радислари ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида ёрдам беришга тайёр эканликларини матлум қилишиди.

**Норкул МАЪМУР,
"Хабар"нинг Жиззах вилоятидаги мухбири**

ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАР

МЕҲР-МУРУВВАТ РАМЗИ

Кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга кўтарилик кайфият бағишилаш мақсадиди. Махсус авариятиклиш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) ходимларидан бир гурух бошқарма бошлиғи полковник Б.Аденоў бошчилигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи Уруш ва меҳнат фахрийларининг республика пансионатига ташриф буоришиди. Ҳарбийлар у ердаги фахрийлар билан дилдан сұхбатлашиши, уларга совфа-

лар улашиши. Бошқарманинг "Импулс" ансамбли ижросидаги куй ва қўшиқлар барчада катта таассурот қолдириди.

— Бундай тадбирлар фахрийларимизнинг кўнглини кўтариб, уларга ўзгача кайфият бағишилайди, — дейди пансионат директори Фарангиз Арамова. — Айниқса, бошқарма ансамбли ижросида кексаларимизнинг ёшлик даврида айтилган қўшиқлар кўйланишини уларни рақсга чорлаб, навқиронлик давларини эслатди. Фахрийларимизга топширилган совғалар ҳам эслалик, ҳам ўзига хос ёзтибор, меҳр-муруват рамзидир. Биз бундай ташрифлар ва фамхўрлик янада давомий бўлишини истаб, ҳарбий қисм раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз.

**Абдуқодир ОТАБОЕВ,
МАТБ маданий ҳордиқ ишлари бўйича катта офицери-клуб бошлиғи**



Серхант Суннат НАЖИМОВ олган сурат.

САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛИШИ КЕРАК

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологияларини университетида нафакат илм олиши ва изланишида, балки жамоат ишларидан ҳам бир-бираидан қолишмайдиган ёшлар жуда кўп. Яқинда университет ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчилигида бир гурух фаол талабалар Юнусобод туманидаги Оқилота қаб-

ристонини ободнонлаштириш мақсадила ҳашарда уюштиришиди.

Ҳашарда ҳаммамиз уюшқоқликда ҳаракат қилиб, қабристон атрофуни ҳас-ҳашак ва чиқинилардан тозаладик, дараҳтларга ишлов бердик. Кўпдан кўён қочиб қутулмас, деганларидек, дастлаб бирор кўнгултаган бу ишларни бирдамлигимиз натижасида тезда бажардик. Иш охирда қўлган савобли ишларимиздан ўзимизнинг ҳам руҳимиз тетикилашиди, ҷарчоқларимиз унту бўлди.

Ҳашар давомида шунга икror бўлдикки, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсан, жамиятимизнинг қайси бир соҳаси булишидан қатви назар, биз, албатта, катта натижаларга эришамиз.

**Анвар ИБРОҲИМОВ,
ТАТУ дастурий инжиниринг факултети
316-15 гурӯҳ талабаси**



ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилиди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида" ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидағи фаолиятни лицензиялаш тўгрисида низом-

нинг 49-бандига мувофиқ "ALBATROS" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ, маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2017 йил 6 февралда берилган АА серияли 0006070 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 25 январдан тутатилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2017 йилда Азизхон МИРЗААҲМАТОВ номига берилган 211 13-17 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Ўттаниларининг охирати обод бўлсун

"Ўзбектелеком Интернейшнл" кўшма корхонаси ҳамда унинг таркибидаги филиаллар жамоаси корхона бош ҳисобчиси Толмас Тошевга падари бузруквори

Эгамберди отанинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологияларини университети Фарғона филиали жамоаси ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, техника фанлар номзоди, доцент **Фазилдин Полвоннинг**

вафоти муносабати билан мархумнинг оила аззоловига, яқинларига чуқур таъзия билдиради.



КҮРСАТКИЧ

ДҮНЁДА ИНТЕРНЕТ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ СОНИ 4 МИЛЛИАРДДАН ОШДИ

Ижтимоий тармоқтарни башкөрүвч Hootsuite платформасы ҳамда We Are Social агентлигиги 2017 йил раками тенденциялари ва ижтимоий тармоқтар ҳолатига бағылланган тадқиқотни чиқарыши. Унда 239 мамлакат ва худулларга дөир маълумотлар бор.

Демак, бу тадқиқотка кўра, энди сайфармиз аҳолисининг ярмидан кўпі интернетдан фойдаланмоқда. Онлайн-дагиларнинг 3,2 миллиард нафари ижтимоий тармоқларга кирувчилик.

Асосий кўрсаткичлар:

■ Интернет фойдаланувчилари сони охирги 12 ойда 7 фоизга кўпайиб 4,021 млрд.ни ёки сайфармиз аҳолисининг 53 фоизини ташкил этди.

■ Охирги 12 ойда ижтимоий тармоқлардан фойдаланыш глобал миқёсда 13 фоизга ўди ва фойдаланувчилар сони 3,196 млрд.га етди.

■ Мобил ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони 2017 йил давомида 14 фоизга ўқорилиди ва 2,958 млрд.лик кўрсаткич қайд этилди — бу жами ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг 93 фоизи.

■ Хисоб-китобларга кўра, интернетдан фойдаланувчилар 2018 йилда онлайнга жами бир миллиард соат вакт сарфлашади, бундан 325 миллион соати ижтимоий тармоқларга кетади.

Мазкур ҳисоботда интернетнинг глобал миқёсда тараққий этиши электрон тижоратнинг ҳам ривожланинг олиб келяпти. Ҳозир 1,77 млрд. (+8 фоиз) интернет фойдаланувчилари харидларни онлайнда амалга оширишмоқда. Умумий ҳисоблагандаги, улар ўтган йил 12 ойни мобайнида электрон харидларга жами 1,474 трлн. доллар (+16 фоиз) ишлатишган.

СУРЪАТ

НОУТБУКЛАР БОЗОРИ: ПАСТА ВА ТЕПАГА

Тўрт чораклик бетиним ўсишдан сўнг ноутбуклар бозорида илк пасайиш кузатилди. Худди 2016 йилнинг шу давридаги каби 41,5 млн.та курилма сотилди. Бу ҳақда Digitimes Research компанияси маълум қилди.



КОРПОРАТИВ

XEROX ЭНДИ FUJIFILM ТАРКИБИДА

Янги бирлашган компания — Fuji Xerox ташкил этилади. Fujifilm Holdings янги компаниянинг 50,1 фоиз акцияларига эга бўлади. Xeroxнинг акциядорлари 2,5 млрд. доллар ва Fuji Xeroxнинг 49,9 фоиз акцияларига кутиришади.

Fuji Xerox 180 мамлакатда фаолият олиб боради ва иккى штаб-квартирага эга бўлади, бирни Норвалк (АҚШ)да, бирини Токио (Япония)да.



КВАНТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ҚИТЪАЛАРАРО КВАНТ ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ СИНОВДАН МУВАФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Quantum key distribution (QKD) — квант механика таомиллари асосида кафолатланган шифрлаш калиларни тарқатиши технологияси илгари минглаб километрлик оптик кабеллар орқали сигналларни жўнатища қўлланганди.

Орбитал йўлдошдаги ретрансляторда ёргулар сигналларини узатишда QKDдан оралик бўгин сифатида фойдаланилган мазкур тажриба Хитой фантехника университети ва Австрияниң Вена университети ўтасидан ўтказилди. Хитойнинг паст орбитали Micius йўлдоши орқали Хитойнинг Синлун обсерваторияси ва Гран (Австрия) ўтасида узунлиги 7600 километрли лазер кўпrik ҳосил қилинди.

Томонлар аввалига ҳар бирининг оғирлиги 5 КБг тенг раками тасвирлар алмасиди, кейин эса иккى мамлакат Фанлар академиялари ўтасида 75 дақиқалик видеоконференция ўтказилди, бунга 2 ГБ трафик сарфланди.

Physical Review Letters журналида шу муносабат билан чиқарилган мақолада бемалол ҳозирча сифати ўтган асрнинг 70-йилларидаги мобил алоқанинга тенг квант интернети йўлга кўйса бўлади, дега хулоса берилган.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади



ХАЛҚАРО ҲАЁТ



Исрол Словениядан Фаластин давлатини тан олмаслики талаф қилмоқда

Любляна Словения парлamenti спикери Милан Брглаз ва Ташқи сийесат кўмитаси раиси Юзеф Ховатта Исролининг Словениядаги элчиси Эял Сила шундай талаби айтди.

У Фаластинни тан олиш Исрол — Словения муносабатларига "салбий таъсир" кўрсатишни таъкидлаган.

Эслатиб ўтамиш, 1 феврал куни Словения ташкиларни ишлар кўмитаси Фаластин давлатини тан олиш учун биринчи қадам бўлган ҳужжат мухокамасини кечикирган. Ҳозирча Европада фақат Швеция Фаластин давлатини тан олган ягона давлат бўлиб турибди.

БМТ: Суриядаги жанговар ҳаракатларни тўхтатинг!

БМТ мухокжалрга инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш ва ярадорларни эвакуация қилиш учун Сурияди бир ой давомида ўт очишини тўхтатишча қақириди.

Ташқилотнинг Инсонпарварлик масалаларини мувофиқлаштириш бошқармаси матбуот котиби Йенс Леркенинг журналистларга маълум қилишича, Шарқий Гута, Идлиб ва Крайдаги тинч аҳолига инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш унун жанг ҳаракатларини камиди бир ойга тўхтатиб туриш керак. Унинг сўзларига кўра, Раққа ИШИД терророриларидан тозаланганча, ўз уйларига қайтган тинч аҳоли бомбалар остида ҳалок бўлмоқда. Бундан ташқари, Идлибда давом эташтган ҳарбий амалиётлар тинч аҳоли ўтасида қурбонлар сони ортишига

сабаб бўляпти. Леркенинг "Анадолу" агентлигига маълум қилишича, БМТнинг бу чақириви Туркия ҳарбий кучларининг Африндаги амалиётларига тааллуқли эмас.

У навбатига, ЮНИСЕФнинг Суриядаги вакили Фрэн Эквизининг сўзларига кўра, Башар Асад тузуми қамалидаги Шарқий Гутада яшовчи 120 болани зудлик билан эвакуация қилиш керак. "Шу йилнинг январ ойida Сурияди тўрт шифохонага ҳужум қилинган, йил бошидан бери эса бўта яқин бола ҳалок бўлган, — деди Эквиза.

Дамашқ яқинидаги Шарқий Гута шаҳрида 400 мингга яқин киши, бешинчи йилдирки, қамал шароитида яшаб келмоқда. Сўнгги сакзис ой давомида Шарқий Гутадаги гуманитария вазияти кескин ёмонлашган".

Ким Чен Иннинг синглиси Жанубий Кореяга боради

Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Иннинг синглиси Ким Чен яқин вақт ичидан Жанубий Кореяга йўл олади. У Се-улга ташриф буюрадиган юкори мансабли амалдорлар делегацияси айосига айланади. Маълумотларга кўра, КХДР Олий халқ йиғилиши раиси ва Шимолий Корея расмий раҳбари Ким Ён Нам бошчиллик қиласидаги делегациядан 22 киши ўрин олади.

Ушбу ҳодиса даражасини Жанубий Корея томони "жуда юкори" деб баҳоламоқда.



Дубай ҳукумати қозғозбозликка чек қўяди

Дубай шаҳзодаси шайх Ҳамдан ибн Мұхаммад ибн Рашид ал-Мақдумнинг маълум қилишича, ҳукумат 2021 йилга бориб, қозғозлардаги ҳужжатлардан умумал воз кечмоқчи. "2021 йилдан кейин Дубай ҳукуматининг бирон ходими ёки буортматчиларнинг ҳеч бир ҳужжатни принтердан чиқаришларига эҳтиёж қолмайди. Бу бутун Дубай ҳукумати ишлатаётган миллиард варақ тежаб қолинишига ёрдам беради. Алалоқибат, мазкур ташаббус инсонларни баҳтироқ қиласди ва тежалган маблуг келажакда шахарнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш имконини беради", — деди шаҳзода.



Кирол жамғармаси ҳиммати

Саудия Арабистони қироли Салмон ибн Абдулазизнинг хайрия жамғармаси Туркияниятини Айтинози туманида ўшаётган сурялик қочқунларга ёрдам кўрсатди. Жамғарма томонидан жўнатилган кўрила, кийим-бош ва энг зарур буюлар ортилган бешта юк машинаси ҳудудга етиб келди. Жамғарма вакилларининг маълум қилишича, улар сурялик қочқунларга ёрдам кўрсатишда давом этади.

У.ТОЖИБОЕВ тайёрлади

ФАЗАЛ МУЛКИННИГ СУЛТОНИ

**2017 йилда
Навоийнинг
баёзлари
иチдан жой
олган 8 байт
16 мисралик
янги ғазали
топилиди**

Алоқа, ахборотлаштириш технологиялари соҳасидаги назорат бўйича давлат инспекциясида Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги муносабати билан "Фазал мулкинниг султони" мавзууда маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Инспекция марказий аппарати, Тошкент шаҳри ва вилоятни бўйимлари вакиллари иштирок эттан тадбирга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг қўлзёмалар, алоҳида қўмматга эга нашрлар хизмати раҳбари Н. Зо-

**Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.**

Алишер НАВОЙИ.

итова ва кутубхона талқиқотчиси Ф. Махмудовлар тақлиф қилинди.

Тадбирда Ҳазрат Навоийнинг адабиёт, санъат, фалсафа, мантиқа онд қараашлари, ўзбек адабиёти ривожига қўшган беназир ҳиссаси, келажак авлодларга қолдирган маънавий месроси ҳақида сўз юритилди. Олимларимизнинг илмий излашнешлари туфайли аллома ижодининг янги қирралари кашф

этилиб, ижод намуналари аниқланмоқда. 2017 йилда Навоийнинг баёзлари ичидан жой олган 8 байт 16 мисралик янги газаллари топилди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Мехмонлар томонидан инспекцияга Навоийнинг Ўзбекистон миллий кутубхонасида сақланадиган нодир қўлзёмалари, газаллари, тури тилларга таржима қилинган асарлари

жамланган электрон қўллана сонга қилинди

Инспекция раҳбарияти совга учун миннатдорлик билдириб, келгусида ҳам Миллий кутубхона билан яқин ҳамкорлик давом этишини таъкидлadi.

Шу куни Навоий ижодига багишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Д.БЎРИЕВ,

инспекция матбуот котиби

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ТИЛЛАРДА, ДИЛЛАРДА, ЭЛЛАРДА ДОСТОН!

**Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий
вилоятидаги мухбири**

Хар йили қишининг рутубатли дамлари билан баҳорнинг соғинчилашалари аро шоир меҳрининг ўлмас нағасини юракдан ҳис этамиш. Бутун дунё аҳли Навоийга таъзим қиласи, уни ёт этади. Юртимизда бу сана алоҳида байрам қилинади, улуг шоирни хотирламаган хонадон қолмайди. Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоятда ҳар йили ўтказиладиган конференцияларга халқаро тус берши таклифи ҳам Ўртоғимизниш ташаббуси эканлигини алоҳида эътироф этиш керак.

Бу хайрли ташаббус боин ўтган йили Навоий шаҳрида "Алишер Навоий ижодий мөрсинини умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни" мавзудига И имлй-амалий конференция ўтказилиб, Навоий даҳсига яна бир карра эътиром кўрсатилди.

Бу йил иккиччи маротаба ўтказилган анъанавий тадбир доинраси янада кенгайти. Навоий шаҳридаги ёшлар марказида бошланган халқаро конференцияни Навоий вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси К. Турсунов иштирок этиб, буюк мутафаккир ҳаётни ва ижоди, беҳдо мөрори, аллома асрларининг инсоният тамаддунидаги аҳамияти хусусида сўз юритиб,

барчани куттуғ байрам билан табриклиди.

Академик Баҳтиёр Назаров раислик қилган айнуманда юртимизнинг 200 нафарга яқин навоийноларни ҳамда дунёнинг 20дан ортиқ мамлакатидан Навоий ҳаётни ва ижодининг янги қирраларини кашф этган академиклар, олимлар иштирок этиб, улу шоир ижоди ва шахсига буок курматларини изҳор этдилар. Хусусан, Туркия, Эрон, Афғонистон, Қувайт, Монголия, Россия, Озарбайжон, Қозогистон, Тоҷикистон, Украина ва бошқа кўплаб мамлакатлардан ташриф буорган дунёнинг етук навоийнуш олимлари ва талқиқотчиларининг маърузларидан Алишер Навоий ижодининг барча олмос қирралари ўз аксини топди.

Халқаро анжуман иштирокчиларининг ҳар бири Алишер Навоийнинг ҳаётни ва ижодини ўрганишини ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаши ҳар бир маъруза ва қишишларда яққол на-мойён бўлди.

— Навоийни билиш, ўзлигимизни билиши демакдир, — деда фахр-иiftixor билан шоирнинг "Фарҳод ва Ширин" достонининг украин тилига таржима қилинган китобини Навоий вилояти ҳокимига совға қўйди Ўзбекистоннинг Украинадаги элчиси Алишер Абулдаев.

— Навоийликларнинг бу куттуғ тўйға муносиб совғаси бор, — дейди Навоий вилояти ҳокими-миндаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўкувчиси, Навоий газалларини энг кўп ёд олган, ифодали ўқишида ҳам бетакрор Иброҳим Faффоров галиб деб топилиб, унга вилоят



**Аррап ҲАБИБИ,
Афғонистон Президенти девони мутахассиси:**

— Биз Афғонистон ўзбеклари, Навоийни севган каби Ўзбекистонни ҳам севамиз, она тилини севамиз. Ўзбекистон мустақилликни эълон қилганида, биз худди ўзимиз озодликка эришгандек қувонганимиз. Ўзбекистон билан ўртамиздаги дўстона алоқаларнинг мустақилланиб бораётганигиздан маънумиз. Айни пайтда иккала давлат ўртасида 23та шартнома имзоланганлиги, албатта, биз учун катта имконият ва ишончдан далолатдир. Биз Ўзбекистонни юксак қадрлаймиз, шунинг учун ҳам Афғонистонда Президент Муҳаммад Ашраф Гани томонидан 2016 йилда таъсис этилган Алишер Навоий ордени биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг Халқаро Бобур жамғармасига топширилганлиги бу юрт биз учун нақадар қадрли эканлигини исботлаб турибди.

ҳокимлиги томонидан Президент совғаси — "Spark" автомобили топширилди.

Тадбир иштирокчилари учун ташкил этилган Алишер Навоийнинг 50 турдан ортиқ китоблари кўргазмаси ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Алишер Навоий ижодининг кайси қирада ҳақида сўз юритмайлик, барчасида инсон-парварлик, яхшилик ва адолат йўлидаги орзу умидлар талқининг, Ватанинг, озодликнинг, асрлар дардининг тасаввурларини ҳис этамиш. Шоир таронум этган гоялар шу қадар буокки, улар асрлардан асрларга ўтиб, янгича сайдал топмокда, кўнгил гавҳарига айланмоқда.

Мана бу сатрлар минг йиллар ўтса ҳам, ҳеч қаҷон ўз қадр-

қимматини йўқотмаслиги, ВАТАН тушунчаси бутун ва эрта учун ҳам ҳар қандай вазиятда муқаддас эканлигини исботлаб туриди:

**Гурбатда гарib шодмон бўлмас эмиш,
Эл ага шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.**

**Олтин қафас ичра гар қизил
гул битса,
Буалуга тикондек ошиён
бўлмас эмиш.**

Анжуманинг бадий кечасида башарият тарихида лаҳо шоир бўлган Алишер Навоий газаллари оҳангларга қориби, жаҳон ичра жаҳон бўлиб баралла янгри, дилларга янги куч-куват ва қувонч баҳш этди.



АЛИШЕР НАВОЙИ ФАЗАЛИЁТИ АМЕРИКАДА

2016 йил декабр ойида АҚШнинг "Cervena Barva Press" нашриётидаги чоп этилган "Twenty one Ghazals by Alisher Navoiy" ("Алишер Навоининг йигирма бир газали") дебномланган китоб катта қизиқиш уйғотди. 2017 йил 15 февралда АҚШдаги "Somerville Times" газетасида массачусетслук сиёсатшунос олима Денайс Провост хоним томонидан мазкур китобга берилган тақриз бўнинг ёрқин мисолидир.

Алишер Навоий ижодига Farb дунёсининг қизиқиши ҳамон давом этил кельмоқда. Навоий ижодиниң бир қатрасини кашф этган чет эл олимлари ва таржимонлари ўз ҳайратларини яшира олмайди. Улар Навоий ҳақида замондошларига кенгроқ хабар беруб, улуг ўзбек шоирни шеъриятининг тарғиботчилари бўлмоқдалар.

АҚШлик исломшунос олими Барри Хоберман "Saudi Aramco World" журналида чоп этилган "Chaucer of Turks" номли мақоласида Навоийни Шарқ уйғониш даври асосчиларидан бирордеб этироф этади.

Германиянинг Фрайе университети симпозиумида ўқилган маърузалар асосида ташкил этилган "Mir Alisir Nawai" номли тўпламга кирилган З. Клайнмихел ўзининг "Навоий-бено" номли 300 саҳифали мақоласида Навоий ижодидан олган ҳайратларини бир мақола ичига жойлашга ожизлик қилгани ҳақида ёзади.

Навоининг "Сабъя сайёр" асари асосида итальянлик Маikel Трамессино томонидан 1557 йилда яратилган "Сарандипнинг уч шахходаси" асарини тадқиқ қилган америкалик шарқшунос Ричард Бойл бу асарни Европа

Уйғониш даврининг шоҳ асари деб атайди.

Ўзбекистонга келиб, Алишер Навоий ижодини ўрганган ва унинг "Лисон ут-тайр" асарини инглиз тилига таржима қўйган канадалик Гарри Дик Навоийга "Дунёни маънавий таназулдан кутқара оладиган кўнгил boginining боғони" дега таъриф берали.

Сўнгги йилларда Навоий асарлари бирин-кетин таржима қўлини чоп этилаётган қуонарли ҳодиса. Хусусан, Навоий фазалиётининг полик тилига Януш Кжижовский томонидан, украин тилига украина шоирни Николай Бажан томонидан "Фарҳод ва Ширин" достони таржималари дикқатга сазовор.

Биз, аввало, бу таржималарга буюк шоир ижодига бўлган қизиқишининг бир дебочаси сифатида баҳо беришимиз керак. Энг қуонарлиси, ҳазар Навоий газаларини инглиз тилига таржима қилаётган журъатли ўзбек таржимонларидан Азъам Обидов, Ҳосимбоя Маммурев, Динара Султонова, Аида Буматоваларнинг сафи кенгайб бормоқдалар. Бироқ, эндиликла ҳар бир таржима хорижлик тажрибали ва Шарқ шеърияти сирларидан хабардор муҳаррир таҳриридан ўтиб, нашр этилиши керак. Зоро, ўзбек таржиманосларга фазал аслиятидаги маънно ва бадијатнинг таржимада қайта яратилган ёки йўқлигига баҳо берини мумкинлир, аммо, таржима тилининг силлиқ ва хорижлик китобхон учун ўқишилигига энг одил баҳони хорижий тил эгасигина бера олади.

Яна америкаликларга қайтамиз: Massачusettse штати Салем шаҳрида истиқомат қуловчи адабиётшунос олим Денис Дели таржима қилган Алишер Навоининг йигирма бир газалидан иборат китоб ("Twenty one Ghazals by Alisher Navoiy") америкаликлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Китоб буғунги кунда Amazon интернет-дўкони ва бошқа кўпласпайтлар орқали инглиз забони китобхонларга тақдим этилган. Матъумки, Алишер Навоий газаларида бадиий тасвир ранго-ранглиги ва матн маъноларининг кўплиги-ю тераллиги мавжуд. Денис Дели таржималарида тагмаъно ва кўп сонли тасвирнинг балзиларинига на урятсангиз-да, тархималарни хояятга ўқишили чиққан, энг муҳими, чет эллик мумтоз Шарқ шеърияти мухлислари Навоини кашф этишмоқда.

Таржимон маҳоратига бир мисол:

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушти ўт.

Таржима:
Tulip fields blaze the face
of my soul's fire.
Sunsets sear across the sky,
touch the earth with fire.

Аслиятда шоир: "Кўриб турганингиз бу лолазор эмас, менинг оҳимдан жаҳонга тушган ўтдир" дейди ва гулувнинг юқори даражасини ишлатади. Таржимада "лолазор менинг оҳимдан ёрқинроқ бўлиб кетди" деб гулувнинг ишонши мумкин бўлган қўйироқ даражаси кўлланган. Бироқ, китоб нашр этилиши билан интернетдаги онлайн нашрларда хорижлик мутахассисларнинг тақризлари бирин-кетин босила бошлали.

Улардан бири, 2017 йил 15 февралда АҚШдаги "Somerville Times" газетасида массачусетслук давлат арбоби, сиёсатшунос олима Денайс Провост хоним томонидан мазкур китобга берилган тақризидир. Провост хоним ўз мақоласида янги нашр этилган китобнинг дизайнини ўнаги иллюстрациялардан тортиб газаллар жозигасини ҳам тасвирашга ҳаракат қиласди.

Мақоладан иқтибос келтираман: "Бу сиз учун бир очилиш бўлади. Янги бир оламни кашф этасиз. Бу китоб жаҳондир тўлдирилган бир кутига ўхшайди. Менда бир катта савол туғиди: бу шоир ким? Нега у ҳақида олдинроқ, эштимадим? Менинг ёшимида бошқа қишилар сингари мен асосан Farb дунёнесини кўпроқ ўқиб ўрганганиман. Лекин дунёнинг бошқа чеккасида ёнзилган ноидирликлар таржима орқали бизгачча этиб келиши мумкин. Солеман Баркснинг хизмати ўтароқ XIII асрда Шарқдаги ўшаб ижод қилган Румий шеъриятни бизнисдан давлатимизда ҳам анчайин яхши ўқиди. Бироқ, Навоий ҳақида ким эшитганди?"

Провост хоним ўз сўзи-ни давом этар экан, Навоининг нафакат шоир, балки давлат арбоби бўлганинги, ўз тили учун Чосер каби курашгани ҳақида тўлқинашни гапиради. Туркйда ижод қилгани учун Farbda унчалик танилмаган Навоий ижодининг ниҳоятда гўзал эканлиги, газал структурасидаги мусиқийин ва суғифёна мазмун Петрапка сонетлари мисол ўқувчанинг ўзига мафтун этишини таъкидлайди.

Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ижодини тушунганича таржима қўлиб ўз замондошларига ҳавола таётган хорижлик таржимонлар газаллар ортига яширинган сўз ўйинларининг ўндан бирини кашф этолмаган бўлсаларда, бу таржималар ўқиганларни ҳайратта солмоқда.

Гулноза ОДИЛОВА,
филология фанлари
номзоди, доцент



Алишер НАВОЙИ

ФАЗАЛ

КЕЛГАЙ

Не кун ўлгайки, нигорим келгай,
Боги умрумда баҳорим келгай.
Умр бағида баҳор улдурум,
Сарвқад лолаузорим келгай.
Ил гадо жонига ўт тушкайним,
Олгали шамъи мазорим келгай.
Кўйида итти кўнгул, вах, қачон ул
Масти девонашиорим келгай.
Қани майким, чи ишиб маст ўлсам,
Кўнка туз боққали орим келгай.
Эй Навоий, тиламон ҳуру пари,
Шояд ул базмда ёрим келгай.

РУБОЙИЛАР

ГАР ОШИҚ ЭСАНГ

Гар ошиқ эсанг меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард истоа дафъига даво қилма ҳавас.
Хинрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдан гайри ризо қилма ҳавас.

ХУШЛУК

Ким кўрди экин жаҳонда оё хушлук,
То бир киши айлагай таманно хушлук.
Юз ўйлда агар бир ўлса пайдо хушлук,
Омодадур ёнида юз нохушлук.


ТУЮҚЛАР

БОРМОГИН

Нечадедим ул санамга: Бормогин!
Қилмади ул тарқ охир бормогин;
Мунчаким худройлиқ кўргузди ул,
Ақл ҳайрат қилди тишлаб бармогин.

ОЛМАНГИЗ

Пардан руҳкорасидан олмангиз,
Хоҳқ ўлтурди мени шул олмангиз;
Гар анористонга сунса илгини,
Айттур: — Ул турсун, амонат, олмангиз!



ҲАМНАФАСЛИК

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, ўзига топширилган вазифа билангина чекланиб қолмайди. Ўзгалирни хурсанд қиладиган бошقا яна бир иш топади ўзига. Ҳўжайлилик Раҳимжон Болтабоев ана шундай инсонлардан бири.

У кишининг асл касби алоқачилик. У Ҳўжайли туманидаги алоқа корхонасида қырқ йилдан кўпроқ меҳнат қилди. Ҳўжайлиликлар унга нафқат ҳалол ходим, яқин маслаҳатчи, балки қалами ўткир ижодкор сифатида ҳам хурмат қиласи.

Туман газетасида ишлаган пайтида Раҳимжон ака бизнинг газетамида бир неча йиллар давомида турли мавзулардаги мақола, лавҳа, хабарлари билан иштирок этиб келган.

Раҳимжон Болтабоев 1964 йили ўрта мактабни туттагач,



туман алоқа тармоғига почта-чи сифатида ишга қабул қилинган. Тиришқоқ ва сергайрат бу

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ижодий жамоамиз ҳам Раҳимжон БОЛТАБОЕВни етмиш ёши билан қизгин муборакбод этади. Шу қутулуг ёшда ҳам қўлидан қаламини қўймаган муаллифнинг жонкуярлик билан ёзган қўйидаги мақоласини эътиборингизга ҳавола қиласи.

ходимнинг малакаси ошиб борди ва ўн иккى йил давомида туман почта алоқаси тармоғига раҳбарлик қилди. У ишлай турниб, Қорақалпоқ давлат педагогика институти, сўнгра Ростов-Дон политехника техникиуми, 1995 йили Тошкент алоқа коллежини туттади. Қарийб йигирма йил давомида туман почта корхонасининг касаба уюшмаси кўмитаси раиси, "Хабар" газетасининг жамоатчи мухбири сифатида фолият кўрсатди.

У айни пайтда ҳам республика миқёсидаги газеталарда фотосуратлари, мақолалари билан иштирок этади.

Раҳимжон ака турмуш ўртоғи

Айттул ая Жуманова билан олти нафар фарзандни вояга етказиб, олий маълумотли қилди. Қизи Назира Болтабоева алоқа соҳасида меҳнат қиласа, Лола муҳандис, Зивар ва Ойнур педагоглик касбини эгаллаши. Үғиллари Давлатбобӣ ва Алишерлар ҳам ҳаётда ўз йўлини топган инсонлар.

Раҳимжон ака яқинда 70 ёшини нишонлади. Биз у кишини ушбу кутулуг сана билан табриклаб, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

**Матибой БЕРДИЕВ,
Қорақалпоқистон Республикаси
журналистлар уюшмаси аъзоси**

МЕНИНГ ФИКРИМ

ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕСИЛСА...

Биз катта авлод вакиллари почта хизматларидан кўп фойдаланганимиз, ҳозирда ҳам баъзида фойдаланиб турамиз. Баъзида дейишманинг сабаблари бор. Биринчидан, замонавий ахборот технологиялари туфайли айрим почта хизматларига эҳтиёж қолмади ҳисоб. Иккинчидан, энди пенсия пулларини банк ходимлари етказиб беряпти. Қолаверса, ҳаммамизнинг қўлиминизда узли телефон бор – телеграмма жўнатиши ёки олиш ҳам муммом бўлмай қолди, унинг ўрнига SMS хизматидан фойдаланипмиз.

Ҳозир почтамиз, ҳа, айнан бизнинг почтамиз бошидан оғир аҳволни кечираётган сир эмас. Почтамиз дей бу тармоқни кўнглимга яқин олиб гапиравёттанимнинг боиси, шу соҳада қырқ йилдан ортиқ вақт меҳнат қилдим. Соҳа нонини едим, тузидан тотдим. Энди почтамиз ўнгланиш ўрнини қидираётган

пайтида меҳнат фахрийси сифатида баззий мудоҳазаларимни билдиришни ўринли, деб ҳисоблайман.

Бозор иқтисодиди ҳар бир касб вакилини – таъбиркорни, устами, иқтисодиётнинг қатъий таълабларини бекаму кўст бажаришга мажбурлайди. Бу таълаблар бажарилмаса парокандалик юз бериб, ўша соҳа инцирозга учраши табдии. Шу пайтга қадар почта дотация ҳисобидан яшаб келди.

Янгилишмасам, ҳозир республикамиз почта тизимида 6500 нафар ходим хизмат қилмоқда. Пенсия пулларини етказиб бериш "Халқ банки"га юклангача, почта корхоналарининг қарийб эллик фониз иш ўрни қисқаришига тушди. Ачинарлиси, почта алоқаси соҳасида ўн беш-йигирма йиллаб хизмат қилиб, нафақага чиқишига яқин қолган ходимлар ҳам ишисиз қолди. Мен ишлаган корхонада пенсия хизмати бекор қилингач, штат қарийб

етмиш фоизга қисқарди.

Энди почтчилар хизмати ҳақида фикр юритсан. Қишлоқ жойларида битта хат-хабарни эгасига етказиб бериш учун неча километр йўл босиш керак? Энгиз иссиги ю-қишининг қаҳратон совуғида, назорат муддатларида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мумкиним? Почтчиларни велосипед, мопед ёки мотоцикллар билан тавмилаш вақти қелмадимикн?

Почтчилар курерлик хизматларини янада оммабоп қилишлари зарур. Бунинг учун унун уларда яхши имкониятлар бор. Янни, республика мизининг деярли барча ҳудудларидаги алоқа бўйимлари мавжуд, мутахассислар бор. Бугунги кунда мамлакатимиз пойтихатидан вилоятларга хусусий таксилар қатнови мунтазам йўлга кўйилган. Аҳоли пулми, хат-хужжатми, дори-дармонми, уларни ана шу таксиличилардан бераби юборитти ёки улар орқали олгани. Нега энди, почтчиларимиз мана шу имкониятдан фойдаланишмайди, ахир ба хизмати талаб каттага! Кунт, ҳафса, озгира олонни койитб, шу хизматни аҳоли учун кулят тарзда, арzon нархларда йўлга кўйса бўладигу. Тўғри, почтада электрон пул етказиши хизмати мавжуд, аммо у сансалорликдан холи эмас, шу сабабли ҳам ҳалқона хизматга айланмади. Таклифим – таълаблар, уй бекалари, кексалар билан шартномалар тушиб, мубқобил хизматларда уларнинг имкониятларидан оқиониғ фойдаланиска бўлади.

Ҳозирда даври нашрларга обуна, китоблар, хат-хабарлар юбориш орқали аҳоли эҳтиёжлари қондриб келинмоқда. Бу хизматларга аҳоли кенг қатламишини жалб этилиши, шубҳасиз, соҳанинг иқтисодий жиҳатдан ривожланшига олиб келади.

Вақт кутиб турмайди, одамларнинг бугун нимага эҳтиёжини, талаби бор? Шуни ўрган-

маймиз. Почта тизимида маркетингни ривожлантириш сув ва ҳаводек зарур. Нега хитойлик почтчилар овқат етказиб беришдан бошлад, банк, сугурута хизматларигача кўрсатишади? Бизнинг улардан кам жойимиз борми? Албатта, йўқ! Энг катта кусуримиз ҳафсаласилигимизdir. Одамларнинг, ташкилот ва корхоналарнинг эҳтиёжларига қараб тезда янги хизмат турларини амалиётта жорий қилишига киришмаганлангизимиз, бутунги оқсоқликларнинг бош сабабчиси.

Мен тилга олган айрим муммаболарни почта каттаконлари ҳам яхши билишади, деб ўйлайман. Балким, улар аллақачон почтани ривожлантириш дастурларидан ишлаб чиқишаётган. Илтимосим шуки, почта хизматига хорижлик почтчиларнинг энг илор тажрибалиларни кўрсамасдан жорий этиш керак. Ўзимизнинг "Хабар" газетасида дунёнинг кўплаб мамлакатлари почта компанияларининг иш тажрибалари ҳақида вақтида батафсил мақолалар чоп этилган, ана шулардан фойдалансан бўлади.

Почта алоқаси ривожи учун хорижлик мутахассисларни ишга жалб қилийлик. Соҳа тараққий топса кўплаб ёшлар ишни булади, одамларнинг бу хизматга ишончи янада ортади.

Почта ходимининг зиммасида залворлик юк бор, у газета, журнал, китоб етказиб бериб, одамларнинг маънавияти юксалишига хизмат қиласи. Буни унтишга эса ҳаққимиз йўқ!

Шу сабабли ислоҳотлар етти ўлчаб, амалга оширилган майкун, бунда зўраклилар салбий оқибатларга олиб келини аниқ. Почта алоқасида тезкор чоралар кўрилиши аҳолининг мазкур хизматлардан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратилишига хизмат қиласи.

**Раҳимжон БОЛТАБОЕВ
Ҳўжайли тумани**



